

2009 йил январ ойида Киргизистонда Малайзиянинг халол махсулотларни ишлаб чиқариш, тайёрлаш, ишлов бериш ва саклаш бўйича стандарти миллий стандарт сифатида жорий қилинди. Бу нафақат мамлакатнинг озик-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш, балки тадбиркорликни ривожлантириш борасида ҳам муҳим ҳукумат қарори бўлди.

Ўтган йили мамлакатга Хитойдан катта миқдорда ун олиб қилинганда озик-овқатлар хавфсизлиги масаласида кескин вазият келиб чиқди. Гап шундаки, матбуотга чиқиб кетган маълумотларга кўра, бу уннинг таркибида рухсат берилган меъёрдан анча ортиқ миқдорда меланин моддаси бор эди. Киргизистон Қишлоқ ва сув хўжалиги ҳамда қайта ишлаш саноати вазирлиги бу миш-мишларни рад қилди ва уннинг таркибини аниқлашда хатога йўл қўйилган, деб хабар берди. Шунда бу ун экспертизадан ўтказиш учун Россияга юборилди. Текширувда ун таркибида меланиннинг ҳақиқатдан ҳам қўплиги, бироқ меъёрдан ортиқ эмаслиги аниқланди. Ун минтакаларда ижтимоий химояланмаган, кам таъминланган ижтимоий табақалар учун арзонлаштирилган нархларда сотиб юборилди.

Бироқ, жанжал шу билан тинчимади. Маълум бўлишича, меланин Хитойда ўн минглаб қишлоқнинг захарланишига сабаб бўлган экан, таркибида ушбу химикат мавжуд бўлган сут махсулотларини ичиб, нобуд бўлган болаларнинг сони эса 50 мингдан ошиб кетган экан. Киргизистон ҳукумати мамлакатга Хитойда ишлаб чиқарилган қуруқ сут ва тухум олиб қилишни тақиқлаб қўйди. Барибир, озик-овқат хавфсизлиги муаммоси тўлиқ ҳал бўлмади. Мамлакатнинг ўзида ишлаб чиқарилаётган махсулотларнинг сифати ҳам ҳамон назоратсиз қолиб келмоқда эди.

Ҳукумат вазиятни яхшилаш учун маълум чоралар қўра бошлади. Мамлакатга донорлар ёрдами билан озик-овқатларни таҳлил қилиб, уларнинг таркибида зарарли моддалар борлигини аниқлайдиган энг замонавий асбоб-ускуналар олиб қилинадиган бўлди.

Согликни саклаш вазирлигидан олинган маълумотларга кўра, Киргизистон давлат санитария-эпидемиология органлари 2008 йилда 110 минг килограмдан ортиқ турли хил озик-овқат махсулотни, шу жумладан 31 минг 500 килограмм туз, 105 килограмм ўсимлик ёғи ва 1 минг 608 литр алкоғолсиз ичимликларни сифатсиз деб топган. Бу 2007 йилга нисбатан 20 тоннага қўпдир. Санитария-гигиена меъёрлари ва қоидаларини бузганлик учун 3 минг 386 мансабдор шахсга жами 2 миллион 485 минг сўм миқдорида жарима солинди, 3 минг 53 та объектдан фойдаланиш қамчиликлар бартараф қилинганга қадар тақиқлаб қўйилди, тиббий назорат йўқлиги туфайли 5 минг 878 киши ишдан четлатилди.

Санитария-гигиена лабораторияларида 88 минг 615 хил озик-овқат намуналарини,

атроф-мухит объектларини, халк истеъмоли товарларини ўрганиб чиқилди. Тахлилларда 6 минг 260 маротаба меъёрдан четланиш холлари кайд килинди. Соғлиқни сақлаш вазирлигида озик-овкат хавфсизлиги соҳасида санитария коидаларининг бузилиш холлари кўпайиб бораётганлиги таъкидланмоқда.

Республика бозорида давлат корхоналари билан бир каторда хусуий компаниялар ҳам фаолият кўрсатмоқда, бундан ташқари, мамлакат кўшни давлатлар ҳамда жаҳон миқёсидаги ишлаб чиқарувчиларнинг кучли таъсири остида турибди. Мамлакат ишлаб чиқарувчилари бутун дунё билан рақобатлашишга мажбур бўлмоқдалар.

Озик-овкат саноати етарли даражада юксак ривожланган. Озик-овкат маҳсулотлари – сут, нон ва кандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасида айниқса кескин кураш кетмоқда. Киргизистонлик ишлаб чиқарувчи тадбиркорлар бутун дунёдаги рақобатчиларнинг босимига товарларнинг арзон нархлари билан бардош бермоқдалар, бироқ озик-овкат маҳсулотларини қайта ишлаш ва кадоклашни яхшилаш, уларни замонавий жаҳон стандартларига мослаштириш зарур.

Соғлом экологик вазият юқори сифатли табиий озик-овкат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга имкон беради. Маҳсулотларга ишлов бериш ва кадоклашда жаҳон стандартларига мослашиш янги халқаро бозорларни ўзлаштириш, шунингдек, барқарор озик-овкат хавфсизлигини таъминлашга имкон беради. Масалан, киргиз асали чет элларда ҳам шухрат қозонган. Бутун дунё бу асални сотиб олишга интилади, агар сифатли ишлов берилган ва чиройли кадокланган бўлса, унинг учун кимматроқ нарх тўлашга ҳам тайёрдир.

Яна бир муҳим муаммо аҳолининг озик-овкат маҳсулотларини хавфсиз сақлаш ва қайта ишлаш меъёрларига риоя қилиш зарурлиги ҳақида хабардорлигини оширишдан иборатдир. Ушбу меъёрларнинг бузилиши кўплаб касалликларнинг тарқалишига олиб келади. Киргизистон хайвонлар ва инсонларнинг бруцеллез билан касалланиши бўйича энг юқори кўрсаткичларга эга бўлган мамлакат ҳисобланади. Ҳукумат мавжуд вазиятни жуда жиддий баҳоламоқда. Дастлабки тадқиқотларнинг натижалари асосида 2008 йилда хайвонлар ўртасида бруцеллез билан касалланишни назорат қилиш учун вакцинация бўйича миллий дастур қабул қилинди. Ушбу дастур жамоатчиликни шахсий гигиенани яхшилаш ва инсонларнинг инфекция манбаи билан бевосита контакти ёки захарланган озик-овкат маҳсулотларини истеъмол қилиш орқали касаллик юктиришининг олдини олиш мақсадида ўтказилган ахборот кампанияси билан биргаликда олиб борилмоқда.

Шунингдек, ушбу муаммони ҳал қилиш учун 2008 йилнинг ноябридан бошлаб мамлакатда Европа Иттифоқининг «СПСни амалга оширишга кўмаклашиш – III босқич» лойиҳаси доирасида «Озик-овкат маҳсулоти хавфсизлиги ҳақида хабардорликни ошириш» ахборот кампанияси амалга оширилмоқда. Минтакалар аҳолисининг озик-овкатлар хавфсизлиги ҳақида хабардорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар бугунги кунда Бишкек, Норин, Боткен, Ўш, Қоракўл шаҳарларида ташкил қилинган. Ахборот кампанияси «Позитив Хелп» ОФ, «Каунтерпарт-Шериктеш» ОО, «Инсан-Лейлек» ОФ, НОКПнинг Норин минтақавий ваколатхонасидан иборат ташкилотлар консорциуми томонидан амалга оширилмоқда.

«SIDOK» ёшлар клуби бу сохада бир неча йилдан буён фаолият кўрсатмоқда. Ташкилот фаоллари (талабалар ва мактаб ўқувчилари), турли хайрия фаолиятдан ташкари Чу вилояти мактаб ўқувчилари учун гепатит билан касалланиш мавзусидаги маъруза ва учрашувлар ўтказмоқдалар. Маърузаларда ёш авлодга озик-овкат махсулотларига ишлов беришда санитария-эпидемиология меъёрларига риоя қилиш зарурлиги хақида суҳбатлар ўтказилмоқда.

Шунинг учун бугунги кунда Киргизистонда озик-овкат хавфсизлиги соҳасидаги энг муҳим вазифалар қуйидагилардан иборатдир: барча манфаатдор томонлар ўртасида озик-овкат махсулотлари айланмаси занжирининг барча босқичларида озик-овкат махсулотлари хавфсизлигининг аҳамияти хақидаги хабардорликни ошириш, кишлоқ хўжалиги ва озик-овкат махсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш, назорат жараёнлари ва қонунчиликнинг ижро этилиши соҳасидаги бошқарув ҳамда илгор халқаро амалиётнинг замонавий усулларида фойдаланишни илгари суриш, кишлоқ хўжалиги ва озик-овкат махсулотлари соҳасида техник регламентларга риоя қилинишини қатъий таъминлаш.

Озик-овкат хавфсизлиги соҳасида Малайзиянинг халол-махсулотлар стандартининг Миллий стандарт сифатида қабул қилиниши ҳам муҳим қадам бўлди. Тегишли қарорларнинг лойиҳалари Киргизистон Иқтисодий тараққиёт ва савдо вазирлиги ва Аккредитация Маркази билан келишилди. Ушбу ҳужжат халол махсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш тартиби ҳамда уларни сақлаш, ташиш, қадоклаш ва маркировкалашга оид талабларни, шунингдек, уларнинг шариат талаблари ва меъёрларига жавоб беришини тасдиқлаш тартибини белгилаб беради. Киргизистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Кишлоқ ва сув хўжалиги, қайта ишлаш саноати Вазирлигидан расмий ижобий тавсияномалар олинди.

Мазкур стандарт «Диний-илмий ва тиббий тадқиқотлар Исломиي Маркази» республика диний ташкилотининг фаол иштироки тўғрисида жорий қилинди. Айнан ушбу ташкилот Киргизистон стандартлар ва метрология Миллий институти («Киргизстандарт») билан ҳамкорликда халол махсулотларни стандартлаштириш бўйича техник кўмитани ташкил этиш ташаббуси билан чиқди.

Малайзия стандарти Киргизистон республикасида халол индустриянинг ривожланишига катта ҳисса қўшиши лозим. Иқтисодий тараққиёт ва савдо вазирининг муовини Айдар Мокеновнинг фикрича, халол-стандартнинг жорий қилиниши нафақат озик-овкат хавфсизлиги соҳасидаги муҳим қадам, балки тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган жиддий чорадир.

- Бу кимнингдир оддий манфаати эмас. Халол-стандартнинг жорий қилиниши улкан социал гуруҳнинг эҳтиёжидир. Бу, шубҳасиз, миллий махсулотларнинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини оширишга имкон беради, - таъкидлайди Айдар Мокенов.

Мамлакат бозори анчадан буён ишлаб чиқарилаётган ва сотилаётган озик-овкат махсулотларининг шариат талабларига жавоб беришини назорат қилишга катта эҳтиёж сезаётган эди. «Халол» сўзи тадбиркорлар ўртасида жуда оммалашиб кетди. Бу ёзувни

кўплаб савдо шохобчаларида, кафеларда кўриш мумкин. Бирок, ичкаридаги ахвол бу ёзувга канчалик мос келишини текшириб кўришнинг имкони йўқ эди. Умумий овкатланиш шохобчаларида мамлакат мусулмонларининг диний бошкармаси томонидан текширувлар ўтказиб туриларди. Бирок, расмий диний бошкарманинг эътирозлари ҳукукий кучга эга бўлмаганлиги тўғрисида, эътиборсиз қолиб келарди. Ўз рекламасида халол деган сўзни ишлатадиган овкатланиш шохобчаларининг кўпчилигида спиртли ичимликлар сотиларди. Шохобча хўжайинлари миждозларнинг норозилигига «Биз халол деб овкатдаги гўшти айтганмиз» деб изоҳ беришарди. Эндиликда халол махсулотлар учун ягона стандартнинг кучга кириши, вақти келиб ҳақиқий халол емакхоналарнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Халол махсулотларни стандартлаштириш бўйича техник кўмитаси раиси Камчибек Умурзоковнинг фикрича, фақат меъёрий муолажалар билангина чекланиб қолмай, аҳолининг шариат рухсати берган тоифадаги товар ва хизматларни сотиб олишнинг аҳамияти ҳақида аҳолини хабардор қилиш чораларини кучайтириш зарурдир.

- Халол миллий мафқуранинг ажралмас қисмига айланиши лозим, - дейди Камчибек Умурзоков, - унда жамиятнинг ижтимоий ва маънавий соғломлашуви учун мисли кўрилмаган манфаатлар мужассамдир. Малайзия халол стандартининг миллий стандарт сифатида қабул қилиниши миллий тадбиркор ва ишлаб чиқарувчиларнинг иқтисодий ўсишига, мамлакатнинг озик-овкат хавфсизлигини мустаҳкамлашга имкон бериши лозим. Киргизистонда халол индустрияни ривожлантириш учун ҳали кўп ишлар қилишимиз керак.

Сергей Зейлюк - «Диний-илмий ва тиббий тадқиқотлар Исломий Маркази» республика диний ташкилотининг эксперти, IslamRFнинг Бишкекдаги муҳбири.